

Икки муқаддас масжидда ифторлик қилишнинг янги қоидалари эълон қилинди



12:07 / 06 март 1060

2024 йил Рамазон ойида икки муқаддас масжидда ифторлик қилишнинг янги қоидалари эълон қилинди.

Хабарга кўра:

- Хайр-эҳсон қилувчилар, хоҳ алоҳида, хоҳ гуруҳ бўлсин, онлайн ариза топширишлари ва масжидда ифторлик хизмати ўтказиладиган жойни электрон тарзда танлашлари лозим;
- Улар Макка ҳокимияти томонидан тасдиқланган умумий овқатланиш компаниясини ёллашлари;
- Саудия Арабистонининг озиқ-овқат ва фармацевтика идораси томонидан сертификатланган завод ва омборлардан фойдаланишлари;
- Якка тартибдаги хайриячи иккита зиёфатга хизмат қилиши мумкин, хайрия гуруҳи эса ўнтагача зиёфат ўтказиш имконига эга;
- Агентлик таомнинг тури ва қадоқланишини ҳам белгилаб беради. Овқат қуруқ, шунингдек, хурмо, торт, пирог ва шарбатдан иборат бўлиши мумкин;

- Овқат аккредитациядан ўтган стандартларга мувофиқ ўралган бўлиши, кейинчалик интернетда эълон қилинадиган барча шартларга мос келиши керак;

Бу қоидалар зиёратчиларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида жорий этилган.